# КИШИЛАРГА ЭНГ ЯҚИН ХИЗМАТ

***Жиноятчиликнинг олдини олиш хизматининг ташкил этилганига беш йил бўлди***



ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ олдини олиш хизматининг тақдири мураккаб кечди. У турли йилларда жиноят-қидирув, жамоат тартибини сақлаш хизмати, штаб таркибига кирди. Эҳтимол, буни тушунса бўлар. Бироқ, соғлом идрок ва катта тажриба бу хизмат мустақил бўлинмага айлантирилса, унинг самарадорлиги катта бўлишини кўрсатди. Зеро, унинг бўлинмалари томонидан ҳал қилинадиган вазифалар доираси жуда муҳим ва масъулиятлидирки, уларни бир хизмат доираси билан чеклаб қўйиб бўлмайди. Беш йил олдин тегишли қарор қабул қилиниб, республика ИИВ ва жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш хизматининг мустақил бўлинмалари ташкил этила бошланди.

Ташкил этилаётган хизмат олдида мастлик ёки гиёҳвандлик ҳолатида содир этилган такрорий ва маиший жиноятчиликнинг олдини олишни жонлантириш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар сонини камайтириш масалалари турарди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жиноятчиликнинг олдини олиш хизматини ўтган йиллар мобайнида гоятда ишбилармон ва ғайратли ходимлар: Н. Багиров, У. Комилов, Қ. Назаров, Б. Парпиевлар бошқаришди. Уларнинг ҳар бири хизматнинг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшди. Аввало ушбу хизмат фаолиятининг асосини ташкил этувчи милиция участка вакилларининг миқдорини кўпайтиришга эътибор берилди. Айни улар, маиший мавзуга дахлдор шикоят ва аризаларнинг катта қисмини кўриб чиқадилар, айни улар жиноят қилишга мойил кишилар билан бевосита ёнма-ён ишлайдилар. Ҳақиқатан ҳам, 10 минг кишига, бир неча хўжаликка, бир-биридан бир неча ўнлаб чақирим нарида жойлашган 5-6 қишлоққа хизмат кўрсатувчи участка вакилидан ўзининг бир талай вазифаларини қойиллатиб бажаришни талаб қилиш қийин.

Республика ҳукумати ИИВ таклифини қўллаб-қувватлади.

1989 йил декабрида республика Вазирлар маҳкамаси томонидан милиция участка вакилларига корхона ва ташкилотлар ҳисобидан маош тўлашга ижозат берадиган қарор қабул қилинди.

Ички ишлар идоралари олдига янги ходимларни ишга қабул қилиш ва уларни қисқа муддат ичида ўргатиш вазифаси қўйилди.

Тошкентдаги ўрта махсус милиция мактабида тезда куллиёт очилди, унда ана шу ходимлар 3-5 ой давомида дастлабки тайёргарлик ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитилди. 1990 йилда ишга қабул қилинган ходимларнинг кўпчилиги моҳир участка вакиллари бўлиб етилдилар. Улар орасида Бухоро вилояти Ромитан туман ИИБ участка вакили, милиция катта лейтенанти Х. Жалилов, Тошкент вилояти Бекобод туман ИИБ участка вакили, милиция катта лейтенанти А. Умаров, Самарқанд туман ИИБ участка вакили, милиция катта лейтенанти О. Оқиловлар бор.

Демократик тамойилларнинг ривожланиши кишиларнинг муайян гуруҳларини васвасага солиб қўйди, улар бойлик орттириш мақсадида ёки ўз ҳайвоний нафсларини қондириш учун қонунни бузадилар, бунда жамоат ахлоқининг меъёрлари ҳам оёқости қилинади. Жамоат ахлоқини бузишдек ижтимоий хавфли офатга қарши курашиш учун 1992 йилда хизмат таркибида яна бир бўлинма — ахлоқий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича бўлинма ташкил этилди, халқ орасида у "ахлоқ милицияси" деб ном қозонди. Унинг зиммасига зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи, порнографик мавзудаги видеофильмлар тарқатишнинг олдини олиш, шунингдек, фоҳишабозликка, ОИТС вируси тарқалишига қарши кураш вазифалари юкланди. "Ахлоқ милицияси" шаклланган давр ичида унинг сафларида Тошкент шаҳар ИИББ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги С. Раупов, Сирғали туман ИИБ катта инспектори, милиция капитани П. Худойберганов сингари ходимлар яхши кўникма ҳосил қилдилар. Улар ахлоқан нопок шахсларга қарши фаол кураш олиб бормоқдалар. Улар тўплаган материаллар бўйича қонунбузарларнинг кўплари судга берилиб, жазога ҳукм қилиндилар.

Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ходимлари бугунги кунда милициянинг энг кўп сонли зобитларини ташкил қиладилар.

Когон шаҳар — туман ИИБ ЖООБ бошлиғи, милиция капитани Г. Нажмиддинов, Тошкент шаҳар Чилонзор туман ИИБ катта участка вакили Х. Бойқўзиев, Тошкент вилояти Қибрай туман ИИБ катта участка вакили М. Утавилов, Фарғона шаҳар ИИБ участка вакили, милиция капитани С. Носиров, Жиззах шаҳар ИИБ катта участка вакили, милиция майори Р. Муҳиддинов ғоятда ишбилармонларча хизмат қилишмоқда. Улар ўз ҳудудларида осойишталик бўлиши учун доимо ҳаракат қиладилар. Ҳар бир ҳуқуқбузарликни улар фавқулодда ҳодиса деб биладилар ва ҳуқуқбузарликларнинг иложи борича кам бўлиши, содир этилган жиноятларнинг дарҳол очилиши учун вақтларини аямай ишламоқдалар.

Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси марказий аппарати ходимлари эътиборларини ғоятда муҳим масалаларни ҳал қилишга, шунингдек, жойлардаги бўлинмалар иш услубиётини ишлаб чиқишга қаратдилар. Уларнинг фаол иштирокида ички ишлар идоралари томонидан жазо муддатини ўтаётган жойларидан озод этилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик балосига мубтало бўлган беморларни мажбуран даволаш тўғрисида қонунлар ишлаб чиқилди.

Республика Олий Кенгашининг охирги сессиясида қабул қилинган жиноят ва жазо, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг тайёрланишида уларнинг ҳам хизмати бор.

1993-1994 йилларда ҳам милиция участка вакилларининг ҳуқуқ ва вазифалари, назоратни амалга ошириш, қотилликлар ва оғир тан жароҳатлари етказишларнинг олдини олиш бўйича ва бошқа йўриқномалар ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан илгари судланган кишилар учун вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида тузиладиган ижтимоий жиҳатдан кўниктириш марказлари тўғрисидаги низом маъқулланди ва у жойларга юборилди.

Кўрилган чоралар участка вакиллари, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекторлар фаолиятига доир кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳозирги вақтда жиноят-қидирув йўналишида содир қилинаётган барча жиноятларнинг ярмидан кўпи милиция участка вакиллари иштирокида очилмоқда.

Ўтган беш йил ичида давлатимиз ҳаётида бир талай ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатлари йўлига ўтди. Лекин ҳамма иш ҳозирча силлиқ бораётгани йўқ. Янги иқтисодий алоқалар йўлга қўйилиши, юзага келаётган воқеликка доир тегишли қарашлар палак ёзиши учун, шубҳасиз, бир оз муддат ўтиши керак. Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ходимлари жамоат тартибини барқарорлаштиришга қаратилган тегишли профилактик фаолияти билан давлатимизни мустаҳкамлаш бўйича умум ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ўтиш даврининг қийинчиликлари бизнинг хизматимизни четлаб ўтмаяпти. Участка вакилларига маош тўлаш учун шартнома тузган кўпгина корхона ва ташкилотлар, иқтисодий алоқалар узилганлиги сабабли, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажара олмаяптилар, натижада участка вакиллари миқдори камаймоқда, бу эса, албатта, хизматимиз ишининг натижаларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Такрорий жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган ишлар ҳақли равишда ташвиш уйғотмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнидагина жазо муддатини ўтаётган жойларидан озод этилгандан сўнг бир йил мобайнида такроран жиноят содир этган салкам бир минг киши жиноий жавобгарликка тортилди. Фикримизча, бундай шахсларни ижтимоий кўниктириш марказлари сустлик билан ўсиб бормоқда. Аслини олганда фақат Бухоро вилоятидагина марказлар ишига бир қадар аҳамият берилмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, ЖООБ хизматининг кўпгина ходимлари бу ишнинг аҳамиятини охиригача тушуниб етмаяптилар. Яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ушбу марказларнинг ишини фаоллаштириш бўйича қарор қабул қилинди. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш билан боғланган муаммолар тўғрисида ҳам сўз юритиш ўринли бўлади.

Даволаш-профилактика муассасалари ёпилганидан сўнг кўп ходимларимизда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликдан мажбурий даволаш ўтмишда қолди деган фикр пайдо бўлди. Аслида эса фақат даволаш жойлари ўзгарди. ЛПМлар ишини энди наркологик диспансерлар ва наркологик касалхоналар бажармоқда. Бугунги кунда бундай беморларни Самарқанд вилоят наркологик касалхонаси мажбурий равишда даволаш учун қабул қилмоқда. Яқин вақт ичида Жиззах вилоят диспансерида беморларни тунда қабул қилинадиган ихтисослашган бўлим очилади.

Вояга етмаганлар, хотин-қизлар, кексалар, ногиронларни даволаш учун ихтисослаштирилган бўлимларни очиш масаласи ҳам ҳал қилинмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ана шу масалага доир иккита буйруқ тасдиқланиш арафасида турибди. Кўрилган чоралар бу йўналишдаги ишни жонлантиради деб ишонамиз.

ИИВ, вилоят ички ишлар бошқармалари раҳбариятининг кейинги вақтда маҳаллалар аҳолиси билан учрашувлари ижобий таъсир кўрсатди. Бу учрашувларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинади, у ёки бу тадбирга доир муайян қарор қабул қилинади. Бундай учрашувларни бундан кейин ҳам давом эттирмоқчимиз. Масалан, Тошкент шаҳрида ИИВ ва ИИББ етакчи хизматларининг раҳбарлари маълум маҳаллаларга биркитилган, уларда камида ҳар уч ойда аҳоли билан учрашув ўтказиб турилади.

Республика ИИВ Жиноятчиликнинг олдини олиш хизмати ходимлари бундан кейин ҳам ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлай бориб, сўзда эмас, балки амалда ички ишлар идораларининг кишиларга энг яхши хизмати бўлиб қолаверадилар, деб ҳаммани ишонтирмоқчиман.

**И. МАМАДАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республика ИИВ ЖООБ бошлиғи ўринбосари, милиция майори.**

## "01" ХАБАРЛАРИ

7 ОКТЯБРЬ куни Сирдарё вилояти, Ховост тумани, Мустақиллик жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Бердиевлар хонадонидан тутун кўкка ўрлади. 9 ёшли Д. Бердиева олов билан ўйнашиб, ошхонанинг ёниб кетишига сабабчи бўлди.

***

ХУДДИ ШУ куни Самарқанд тумани, Наврўз жамоа хўжалиги, Шўрбой қишлоғида яшовчи Сатторовлар хонадонидан ҳам ўт чиқди. 4 ёшли невaранинг "ўйинқароқ"лиги оқибатида хонадон каттагина зарар кўрди.

***

8 ОКТЯБРЬ куни электр симларнинг қисқа туташуви натижасида содир бўлган ёнгин Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Богишамол қишлоғида истиқомат қилувчи Н. Маматовалар уйининг 90 квадрат метр майдонидаги томи ва бир қанча уй анжомларини ўз домига тортиб кетди.

***

ЯНА ШУ КУНИ Андижон вилояти, Андижон туманидаги Ербоши пахта пунктида транспортёрдан учқун чиқиб, пахта нобуд бўлишига олиб келган.

***

9 ОКТЯБРЬ куни электр симларнинг қисқа туташуви натижасида чиққан ёнгин Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги Карнайчи қишлоғи фуқароси М. Қодиров уйининг 65 квадрат метр томини яроқсиз ҳолга келтирди.

***

11 ОКТЯБРЬ куни Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги Янгичек қишлогилик Н. Ғоффорова ҳам бош чангаллаб қолди. У иситиш қозонини беэътибор қолдиргани учун уйини қайтадан тиклашга мажбур.

***

ЯНА ШУ КУНИ Чиноз туманилик тракторчилар З. Очилов ва Э. Ўталовлар онгли равишда ажал билан ўйнашдилар. Улар асфальт-битум заводининг ташқарисига ўрнатилган 60 тонналик ёқилғи идишида қанча солярка қолганини аниқлашмоқчи бўлишди ва гугурт чақдилар... Ёнгин иккала тракторчини ҳам оғир жароҳатлади. Яхшиямки, жонлари омон қолди.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг матбуот гуруҳи.**



## Суратли ахборот



**АЙНИ КУНЛАРДА жиноятчиликнинг олдини олиш ва халқ осойишталигини таъминлаш ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари олдидаги долзарб ва доимий вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бу борада Хоразм вилоят, Гурлан тумани ИИБ ходимлари ҳам фаол ҳаракат қилишяпти.**

**Суратда: (чапдан) Гурлан тумани прокурори ёрдамчиси, 1-даражали ҳуқуқшунос Нормат Абдуллаев, туман ИИБ терговчиси, милиция катта лейтенанти Жуманазар Ўрозбоев, туман ИИБ катта терговчиси, милиция майори Соли Эшчановлар жиноятчилардан тортиб олинган далилий ашёларни кўздан кечиришмоқда: туман ИИБ ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида жиноятчилардан олинган қирқма ўқотар милтиқ ва турли далилий ашёлар.**

**Саъдулло БОБО олган суратлар.**

# ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУ ХАБАР Тошкент шаҳар ИИББ навбатчилар қисмиҳа 17 сентябрда эрталаб келди. Маълум бўлишича, соат бешу 10 дақиқада ҳарбий қисмлардан бири ҳудудидан "КамАЗ-5320" автомашинаси ўғирланган.

Воқеа юз берган жойда текшириш шуни кўрсатдики, тўрт номаълум киши девор ошиб бўлинма ҳудудига кирган ва машинани олиб қочганлар, ўзлари билан бирга тўрт нафар аскарни ҳам зўрлик ишлатиб олиб кетишган.

Ушбу жиноятни очиш жараёнида, эрталаб Сирғали саноат зонаси ҳудудида, Чирчиқ дарёси соҳилидан юқорида кўрсатилган ҳарбий қисмдан олиб кетилган, муддатли хизмат қилаётган тўрт ҳарбий хизматчининг мурдаси топилди. Тиббий экспертизанинг хулосасига қараганда, улар аввал сиртмоқ билан бўғилган, сўнгра "нафас олиш йўллари суюқлик билан ёпилган", натижада ўлим юз берган.

Ўғирланган машина бундан сал олдинроқ туман ИИБ қидирув гуруҳи томонидан Янгийўл тумани ҳудудидан топилган эди.

Ана шу ғоятда оғир жиноятни очиш мақсадида тезда республика ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Қ. Бурхонов бошчилигида тезкор штаб ташкил этилди, унга ИИВ ЖҚББ, Тошкент шаҳар прокуратураси, ҳарбий прокуратура, МХХ, Тошкент шаҳар ЖҚББ, Сирғали туман ИИБ масъул ходимлари киритилди. Уларнинг саъй-ҳаракатларини республика ИИВ ЖҚББ бошлиғи, милиция полковниги Ғ. Тошматов мувофиқлаштириб турди.

Тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш давомида жиноят содир этилишининг ўнга яқин эҳтимол бўлган тахминлари ишлаб чиқилди, юзлаб мумкин бўлган гувоҳлар ва кўрганлардан сўралди. Айни шу нарса тахмин қилинган жиноятчиларнинг фаразий портретларини чизиш имконини берди.

Турли тахминларни ишлаб чиққан тезкор гуруҳларнинг иши штаб томонидан ҳар куни таҳлил қилинди, зарур тузатишлар киритилди, қидирув йўналишларидан ҳар бири қаттиқ назорат қилинди. Ушбу жиноятни очиш бўйича тадбирларда ҳар куни Тошкент милицияси, шунингдек, Тошкент, Фарғона ва Наманган вилоятлари милициясининг 350 тача ходими иштирок этди.

Тергов-қидирув тадбирлари бошланган кундан сўнг йигирма иккинчи куни уни содир этганда гумон билан Тошкент вилоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Шакияр С., Леонид К. ва Марат Б. ушланди. Дастлабки тергов пайтида уларнинг автомашинани олиб қочиб, қотилликда иштирок этишгани тўла исботини топди.

**Ҳозирги вақтда қотилликда гумон қилинаётган, жиноий гуруҳнинг тўртинчи иштирокчиси, 1975 йилда Нальчик шаҳрида туғилган Давид Б.ни қидириш давом этмоқда. Унинг белгиларини келтирамиз: бўйи 175-180 см., спортчиларга хос қоматли, сочлари малла, тўлқинсимон, қирғий бурун, юзи озғин, чўзинчоқ.**

**Сиз кўриб турган портрет, ҳурматли газетхонлар, уни кўрганларнинг сўзлари асосида чизилган. Агар қидирилаётган жиноятчининг қаердалигидан хабардор бўлсангиз, тезлик билан милициянинг энг яқин бўлимига ёки 02 рақамли телефон орқали хабар беришингизни сўраймиз. Бу билан сиз терговга катта ёрдам берган бўлардингиз.**

Ана шу қизғин кунларда республика ҳарбий прокурори вазифасини вақтинча бажарувчи адлия подполковниги Г. Гудков бошчилигида республика ҳарбий прокуратураси ходимлари, республика ИИВ ЖҚББ бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ш. Усмонов, Тошкент шаҳри прокурори Э. Жўраев, Тошкент шаҳар прокуратураси ихтисослашган тезкор тергов гуруҳининг бўлим бошлиғи Б. Қосимов, Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚБ бошлиғи, милиция подполковниги В. Тошматов, унинг ўринбосари, милиция



подполковниги У. Иброҳимов, Тошкент вилоят ИИБ ЖҚБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги В. Пўлатов, ана шу ИИБ бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция майори К. Ҳасанов, Сирғали тумани прокурори М. Маннонов, Сирғали туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Содиқбеков, ана шу туман ИИБ ЖҚБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори С. Солиев ва бошқа кўп кишиларнинг бир-бирлари билан яқин ҳамкорликда ишлашлари жиноятчиларни топиш имконини берди.

Ҳозирда ана шу оғир жиноятни, шунингдек уни содир этишга имкон яратган сабаб ва шарт-шароитларни текшириш давом этмоқда.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ.**

## ҚОЧИБ ҚУТУЛМАДИ

С. ИСМЛИ ЖИНОЯТЧИ Олтиариқда анча ном қозонган эди. У аввалги содир қилган жинояти учун махсус комендатурада жазони ўтаётганди. У ердан қочиб, яна Олтиариққа келди ва қатор оғир жиноятлар содир этди.

Кунларнинг бирида "Тошкент — Андижон" йўналишидаги поезддан Олтиариқ бекатида тушган икки риштонлик йигитнинг тўйга деб олиб келаётган 110 шиша арoқ ва бошқа майда-чуйдаларини талончилик йўли билан олиб кетиб сотиб юборди ва ғойиб бўлди. Олтиариқ тумани ИИБ томонидан унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. С. га нисбатан қидирув эълон қилинди. Туман ИИБга унинг Тошкентда эканлиги тўғрисида хабар келди. ЖҚБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Аминжон Юсуфжонов ҳамда тергов бўлими бошлиғи, милиция капитани Акрамжон Ботиров жиноятчини ушлаб келиш учун Тошкентга отландилар.

Тажрибали милиция ходимлари С.ни Олой бозорида қўлга олдилар.

**ОМОНЗОДА.**

## АВВАЛ ДЎКОН, КЕЙИН "ЗИНДОН"

ШУ ЙИЛНИНГ май ойи ўрталарида шаҳардаги Д. Хўжааҳмедов мудирлик қилаётган "Маҳкам" кичик корхонасининг дўконига кирган ўғрилар бир жаҳон молни тўртта қопга жойлаб олиб кетаётганларида ички ишлар ходимлари қўлига тушиб қолдилар. Милиция майори А. Аралов, милиция капитанлари А. Йўлдошев, И. Шокаримов ва милиция сержанти С. Струнинлар ушлаган ўғриларни одил суд муносиб жазолади.

**Н. ҒОИБНАЗАРОВ,**
**Паркент тумани ИИБ бошлиғи муовини, милиция майори.**

# АХЛОҚСИЗЛИК - ТУБАНЛИКДИР

ЖОРИЙ йилнинг ўтган даври мобайнида Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси Ахлоқ милицияси бўлинмалари, гуруҳлари томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда одоб-ахлоқ борасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашда бир қатор ташкилий ва амалий ишлар бажарилди ва бажарилмоқда.

Ўтган 1993 йилда асосий эътибор ходимларимизнинг касб маҳоратини оширишга қаратилган бўлса, бу йилдан бошлаб амалий ишларга йўналтирилди.

Ахлоқ милицияси фаолиятини ва хизмат ҳужжатларини мантазам равишда олиб борилишини меъёрловчи йўриқнома ва буйруқлар қабул қилинди. Видеомуассасалар томонидан четдан олиб келинаётган номуссизликни тарғиб қилувчи, ахлоқ-одобга салбий таъсир этувчи, шунингдек, ваҳшийликни тарғиб қиладиган ва, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясига жуда салбий таъсир этувчи видеотасмалар ва ориятсизлик мазмунидаги нашрларни тарқатувчи шахсларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича жойларга тавсияномалар юборилди.

Юқорида қайд этилган ва бошқа амалга оширилган ишлар натижасида маълум даражада ушбу хизмат фаолиятининг самарадорлиги ошди.

Ўтказилган кенг кўламдаги тадбирлар ўнлаб "хавфли гуруҳ"га кирувчи шахсларни аниқлашда анча қўл келди. Масалан, енгил табиатли аёлларнинг 25 фоизга, фоҳишабозлик билан шуғулланувчи аёлларнинг 34,6 фоизга, бесоқолбозлик билан шуғулланувчиларнинг 104,3 фоизга, игна орқали гиёҳванд моддалари қабул қилувчиларнинг эса 145,7 фоизга аниқланиши ошди.

Жорий йил давомида республикамиз ҳудудларида ўтказилган кенг кўламдаги тадбирларда Ахлоқ милицияси ходимлари ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳридаги Яккасарой туманида истиқомат қилувчи 64 ёшли С. А. ўз уйини ишратхонага айлантиргани аниқланди. С. А. бу ерда бир неча пинҳоний хоналар ажратиб, 12 нафар фоҳишабозлик билан шуғулланувчи аёлларни ишлатган.

Чилонзор туманида истиқомат қилувчи, аввал ҳам судланган З. Х. ўз атрофига 15 фоҳишани йиғиб, қўшмачилик билан шуғулланиб келган. Ҳар иккала шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган видеомуассасалар ҳам текшириб кўрилди. Ноқонуний равишда иш олиб бораётган 110 видеомуассаса қайд қилиниб, тегишли чоралар кўрилди. Бир неча видеотасмалар махсус экспертизалардан ўтказилиб, улардан айримлари қонуний ҳолатда йўқ қилинди.

Истиқлол шарофати билан ватанимизга меҳмонга, тижорат ва бошқа ишлари билан келаётган чет эл фуқаролари учун эшикларимиз очилди. Ўз навбатида бизнинг фуқароларимизга ҳам шундай имкониятлар яратиб берилди. Аммо айрим шахслар чет эл давлатларига бориб, фоҳишабозлик, қўшмачилик билан шуғулланиб, арзимаган буюмлар эвазига ўтакетган номуссизликкача етиб бормоқдалар ва республикамиз шаънига доғ туширмоқдалар. Энг ёмони палапартиш жинсий алоқаларда бўлиб, тери-таносил касалликларига чалиниб, шумшайиб қайтишмоқда. Бу ва бу каби иллатларга қарши кескин курашиш зарур. Ахлоқ милицияси эса бу борада ўз имконияти даражасида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Ахлоқ милицияси ички ишлар идораларидаги янги ташкил этилган тизимдир. Ўтган икки йил ичида ходимларимиз ўз малакаларини назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлашди. Яқин кунларда хизмат фаолиятимизни мутасадди ташкилотлардан ташқари маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликда олиб боришни ҳам режалаштирдик ва бу режамиз ўз самарасини беради деган умиддамиз.

**Р. АБДУРАҲМОНОВ,**
**Республика ИИВ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасининг Ахлоқ милицияси бўлими катта нозири, милиция капитани.**

